

КАСБ-ХУНАР МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

М. М. Байметов

Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича саволлари, шунингдек такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва ўқув амалиётини самарали ташкил ташкил этиш усуллари.

WAYS TO ORGANIZE AND INCREASE EFFICIENCY OF TRAINING PRACTICES IN VOCATIONAL SCHOOLS

ABSTRACT

In this article the questions on organization and holding of educational practice, as well as recommendations for improvement and ways of efficient organization of educational practice.

КИРИШ

Республикамиз ўрта махсус, профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўсиб келаётган ёш авлодда интеллектуал қобилиятлар ва касбий билимларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Бу эса ўз навбатида касб-хунар мактабларида мутахассислик фанларидан ўқув амалиётларини илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этишни, шу орқали ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришни тақоза этади.

Касб хунар мактабларида амалга оширилаётган ўқув амалиётлари асосини ўқувчиларга амалий билимларни бериш, уларда ҳаётий ҳамда касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида эгалланган билимларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этади. Ушбу педагогик фаолият мазмуни касб хунар мактабларида амалга оширилаётган ўқув амалиётларининг асосий мақсадини ифодалашга хизмат қилади.

Бугунги кун талаблари ўқув амалиётлари сифатини ошириш масаласига янгича ёндашишни, бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги услуб ва шакллари ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Жумладан, касб-хунар мактабларида барча умумқасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув амалиётини ташкил этиш билан чекланмасдан, уларни янги муаммоли масалалар, топшириқлар, вазифалар билан бойитиш устида иш олиб бориш барча касб-хунар мактабларининг бош масалаларидан бирига айланиши лозим.

Касб хунар мактабларда ўқув амалиётлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишларнинг бош мақсади, уларда ўқувчиларга мустақил билимларни етказиб бериш, уларда мустақил онгни шакллантириш, юқори кўрсаткичларга эришиш омилларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсаднинг ижобий ечимини таъминлаш бугунги кун талаби ва ижтимоий муносабатлар мазмунининг чуқурлашуви натижасида юзага келаётган ҳаётий зарурат туфайли ўқув амалиётлари жараёни самарадорлигини оширишга нисбатан янгича ёндашувни шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

1. Устоз ва шогирд одоби. Ўқув услубий қўдланма (Х. Юлдашев., С. Булатов.) Ўқувчиларни ўқув амалиёти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига “Устоз-шогирд” тизими асосида бириктирилишини йўлга қўйиш ҳамда касб-хунар мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш каби масалаларга катта эътибор қаратилган

2. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси (А. Мавлянов., Ш. Жавлонов., С. Абдалова., Л. Юсупова.) Касб-хунар мактаблари раҳбарлари ва масъуллари томонидан амалиёт ўташга жалб қилинган ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларга бириктириш учун маркетинг изланишларини ўтказиш ва шу каби муаммолар ечими ўз аксини топган

3. 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус

профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш профессионал таълим тизимини илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш каби турли масалалар очиб беришга қаратилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир таълим йўналиши бўйича ўқув амалиёти жараёнининг мантиқий-тузилиш шаклини аниқлаш, уларни бевосита бугунги кун талабларига мослаштириш, муаммоли топшириқларни тузиш, улар асосида услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш, педагогик технологияларнинг замонавий турларини қўллаш, дастлаб, иқтидорли ўқувчилар гуруҳларида тажрибадан ўтказиш, натижаларига қараб, ўқув жараёнига жорий этиш ва шу тариқа ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришиш, педагог-муҳандислар фаолиятини рағбатлантиришда барчага бир хил ёндашиш принципларидан воз кечиш, унинг ўрнига уларнинг фаоллигига ва ўқув амалиёти сифатини оширишга тааллуқли бўлган муайян ишининг сифати, ҳажмига қараб, моддий-маънавий рағбатлантириш лозим. Ўқув амалиётида ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услубларни кенг қўллаш лозим:

- ўқув хоналарни замонавий техника, воситалари билан жиҳозлаш ва улардан ўқув амалиётида унумли фойдаланиш, машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил этиш;

- ўқув амалиётида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- ўқув амалиёти мавзуси бўйича ўқувчилар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш;

- гуруҳларда фан-техника ривожига йўналтирилган изланишларни жонлантириш;

- ўқув амалиёти сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва республикада қўлланилиши мумкин бўлганлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларни ўқув амалиёти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга

малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига “Устоз-шогирд” тизими асосида бириктирилишини йўлга қўйиш муҳим.

Бу тизимнинг амалга оширилиши касб-хунар мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш, амалиётни Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини дастур талаблари даражасида юқори савияда ўтказилишини таъминлаш, битирувчиларни мутахассисликларига мос равишда бандлигига эришишга хизмат қилади.

Касб-хунар мактаблари раҳбарлари ва масъуллари томонидан ҳозирда амалиёт ўташга жалб қилинган ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларга бириктириш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, тегишли маълумотларнинг тўлиқ базасини шакллантириш, амалиёт жараёнининг Давлат таълим стандартлари талабларида даражасида ўтказилишининг қатъий мониторингини юритиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Республикамизда бозор муносабатларининг қарор топган бугунги босқичида кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари, иш берувчилар ҳамда битирувчиларнинг ўзаро фаол мулоқоти ва ҳамкорлигини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги № 466 қарорида профессионал таълим тизимини илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш ва ўқитувчилар таркибини инновацион ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши ўқув амалиётларига алоҳида эътибор беришига қаратилган.

Касб-хунар мактабларида ўқув амалиётини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш зарур:

- уларнинг сифатини таъминлашга қаратилган педагогик ва ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги чет эл тажрибасини ўрганиб чиқиш;

- тармоқ ва тармоқлараро дастурларни, соҳани тараққий эттиришнинг истиқболли дастурларини ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш;

- республикамиз бўйича, айниқса қишлоқ худудларидаги касб-ҳунар мактабларини меҳнат бозорига мослашувчанлик даражасини кўтариш, уларда тайёрланаётган йўналишлар бўйича ўқув амалиёти диапазонини кенгайтириб бориш;

- ўқувчиларни ўқув амалиёти орқали касб эгаси сифатида меҳнат бозоридаги вазиятни тўғри баҳолаш ва ўзи учун мақбул бўлган бандлик турини танлашга йўналтириш;

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар етук кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўқис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсларни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, бугун ўз самараларини бераётган бундай эзгу ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўқув амалиётлари жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий билимлар касб ҳунар мактабларда ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. Ўқув амалиётларини илғор методлар, хусусан, янги педагогик ва ахборот технологиялар асосида ташкил этиш мазкур жараён самарадорлигини оширади.

REFERENCES

1. Х. Юлдашев., С.Булатов. Устоз ва шогирд одоби.Ўқув услубий кўдланма.- Тошкент. 2005. -240 б.
2. А. Мавлянов., Ш. Жавлонов., С. Абдалова., Л. Юсупова. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. – Т.: Ворис, 2010. -112 б.
3. Лухманов, Д. Б. (2020). Меҳнат тарбияси орқали ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1051-1056.
- 4.Luxmanov D.B. The use of national traditions in the labor education of pupils// Academia,2020.Volume 10,Issue 10,pp 300-305

5. Luxmanov D.B., Raxmanov A.R. Maktablarda ta'limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. Academic research in educational sciences, 2020. Volume 1, Issue 4, 244-249 b.
6. Lukhmanov, D. B., & Khaydarov, M. E. (2019). People's Labor Traditions in The Process of Labor Preparation for Schoolchildren. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(09), 2405-2412.
7. Халмухамедова, М. А. (2020). Нақшбандия тариқати воситасида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш (технологик таълим мисолида). Муг'аллим, 1(1).
8. Шермухамедов Р.С., Бурхонов А. Сущность воспитания и его место в селостной структуре образовательного процесса // Халқ таълими, 2020, № 3 120-124 б.
9. Шермухамедов Р.С., Эшмонова . Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни меҳнат тарбияси орқали ижтимоий ривожланишларини таъминлаш // Узлуксиз таълим, 2020. 67-71 б.
10. Хамидов Ж.А. О некоторых формах, методах трудового воспитания младших школьников // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 1, Issue 3, 1045-1050 c
11. Yakubova M.Y. Ta'lim-tarbiya jarayonida kreativ yondashuvning dolzarbligi va uning ahamiyati // Халқ таълими, 2020, № 3 84-88 б.
12. Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 1, Issue 3, 1057-1062 b.
13. Jumanova F.U., Halmuxamedova M.A. "Naqshbandiya tariqatining uzluksiz ta'lim tizimidagi kasbiy kompetentlikni shakllantirishdagi o'rni" // Uzluksiz ta'lim. 2020 8-12 б.
14. Халмухамедова М.А. «Нақшбандия тариқати воситасида талабаларда кластер усулида устоз-шогирд анъаналарини такомиллаштириш» // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 1, Issue 3, 1063-1071 б.
15. Abduvaliyev U., Butunov J. Dynamic analysis of planetary mechanism of the horizontal forging machine // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology, Volume 7, Issue 6, 2020, pp 14031-14035
16. Ergashev M., Butunov J., Mamasodikov X. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology, Volume 7, Issue 6, 2020, pp 14116-14119
17. J.A.Khamidov. About Some Forms Methods of Labor Education of Younger School Children. International Journal of Research, page 375-378